

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

З.Пардаева	
Шеърӣ асарда метафоризация хусусиятлари (А.Ахматова ва М.Цветаева шеърӣати мисолида).....	82
З.Мамадалиева	
“Ҳайрат ул-аброр” достонида Хожа-қўнгул образи ва унинг такомилӣ.....	88
И.Рустамова	
Бадиий ижодда деталлар функционалиги ва динамиклиги.....	94
	ТИЛШУНОСЛИК
А.Бердиалиев	
Эга ва унинг умумлисоний хусусиятлари ҳақида.....	98
Т.Эназаров	
Шеваларни илмий ҳамда амалий тадқиқ этиш назарияси ва концепцияси.....	102
Ҳ.Шокирова	
Шахс дейксиси имкониятлари.....	108
М.Абдупаттоев, В.Абдурахмонов	
Микроматн композицияси.....	116
Ф.Шарипов, Т.Галиев	
Ўзбек тилшунослигида сўзшакл ҳақида.....	121
М.Ширинова	
Кинофильмлар номлари лингвистик аспект материали сифатида.....	126
	ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ
Т.Эгамбердиева, М.Зиёева	
Ўзбекистон олий педагогик таълим соҳасини ривожлантиришга қаратилган ислохотлар мазмуни.....	130
Ҳ.Қодирова, М.Юнусалиева	
Тўғарак машғулотида мантиқий фикрлашни ривожлантириш ёрдамида ўқувчиларни олимпиадаларга тайёрлаш.....	136
	ИЛМИЙ АХБОРОТ
Д.Мухторова	
Ядросида Гауссинг гипергеометрик функцияси қатнашган интеграл тенгламаларни ечишнинг композицион усули ҳақида.....	141
К.Кодиров, Т.Тўхтасинов	
Лордания билан алгебрасидаги конвергенция топологияси.....	144
М.Имомова, Б.Абдуғаниев, А.Турдибоев	
Мотор ва сурков мойларининг физикавий кўрсаткичлари ва кимёвий таркибини ускунавий услубларда аниқлаш.....	148
Р.Казоков	
Кимё ўқитиш самарадорлигини оширишда уй кимёвий тажрибаларнинг роли.....	152
М.Ҳакимов, А.Маруфжонов	
Ўзбекистонда анор етиштиришни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ишлар.....	156
С.Исроилжонов, В.Каримов	
Озиқ-овқатлар таркибидаги ксенобиотикларнинг ҳамда захарли моддаларга одам организмидаги ҳимоявий омиллар таъсирини ўрганишга кириш асослари.....	159
А.Гадоев, В.Каримов, Г.Гадоева	
Мушуклар организмида <i>Sarcocystis tenella</i> railliet, 1886 саркоспоридийларнинг ривожланиши.....	162
М.Дадақўзиев, О.Эркабоев	
Фавқулодда вазиятларда фуқаро муҳофазаси фанини ўқитиш бўйича илғор хорижий тажрибалар.....	165
Ф.Маматов	
Глобаллашув жараёнида хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини оширишнинг инновацион омиллари.....	168

**ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ ФАНИНИ ЎҚИТИШ БЎЙИЧА
ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР**

**ПЕРЕДОВОЙ ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ПРЕПОДАВАНИЯ ГРАЖДАНСКОЙ ЗАЩИТЫ
ПРИ ЧРЕЗВЫЧАЙНЫХ СИТУАЦИЯХ**

**ADVANCED FOREIGN EXPERIENCE IN TEACHING CIVIL PROTECTION IN
EMERGENCY SITUATIONS**

М.Дадақўзиев¹, О.Эркабоев²

¹М.Дадақўзиев

– ФарПИ, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраси ассистенти.

²О.Эркабоев

– ФарДУ, ҳаёт фаолият хавфсизлиги кафедраси ўқитувчиси.

Аннотация

Мақолада фавқулодда вазиятларда фуқаро муҳофазаси фанини ўқитишдаги хорижий тажрибалар ва ушбу мамлакатларда фуқаро муҳофазаси ишлари қандай ташкил этилганлиги ҳақида маълумотлар берилган.

Аннотация

В статье представлена информация о зарубежном опыте преподавания предмета гражданской защиты в чрезвычайных ситуациях и о том, как организована работа по гражданской защите в этих странах.

Annotation

This article provides information on foreign experience in teaching civil protection in emergencies and how civil defense work is organized in these countries.

Таянч сўз ва иборалар: ҳаёт хавфсизлиги, хавфли омиллар, хавф, эвакуация, объект, жойлашиш, комбинацияланган, разведка, техник ёрдам.

Ключевые слова и выражения: безопасность жизнедеятельности, опасные факторы, риск, эвакуация, объект, расположение, комбинированный, разведка, техническая помощь.

Keywords and expressions: life safety, dangerous factors, risk, evacuation, object, location, combined, reconnaissance, technical support.

Оммавий ахборот воситалари орқали ҳар куни дунё бўйлаб ўнлаб фавқулодда вазиятлар содир бўлаётганини ва бу, ўз навбатида, юзлаб одамларнинг жабрланишига сабаб бўлаётганининг гувоҳи бўлаяпмиз. Бу эса ҳар бир давлат раҳбаридан ўз аҳолиси ва ҳудудларини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишдек катта масъулият талаб этади. Фавқулодда вазиятлар шароитида фуқаро муҳофазаси тадбирларини ахборот ва маълумот алмашинувисиз амалга ошириш иложи бўлмаганидек, ҳар бир давлат ўзининг алоқа ва хабар бериш тизимларини ташкил этади.

Қуйида хорижий давлатларда фуқаро муҳофазасида аҳолига хабар бериш ва қандай ташкил қилинганлигини кўриб чиқамиз.

Япония. Японияда фавқулодда вазиятларда эрта хабар бериш тизими 2007 йилнинг октябрь ойидан мавжуд бўлиб, бу тизим мамлакатнинг барча ҳудудларини

қамраб олган ва телевидение, радио ҳамда мобил телефонлари орқали сигналларни автоматик тарзда тарқатади.

Бутун Япония бўйлаб бир мингга яқин сейсмик датчиклар ўрнатилган бўлиб, улар ер қобиғининг бирламчи кучсиз тебранишларини аниқлайди ва улар асосида кейинги тебранишларнинг кучини прогноз қилади. Агар тебраниш магнитудаси 5 атрофида бўлса, у ҳолда хабар бериш тизими тегишли ҳудудларда автоматик ишга туширилади.

Телеэфирда хабар беришдан аввал шартли сигнал ва товушли огоҳлантириш берилади. Телевизор экранида яқинлашиб келаётган zilзила эпицентрининг харитаси ва zilзила ҳосил бўлиши мумкин бўлган ҳудудлар намойиш қилинади. Бунда кўрсатилаётган теледастур узилмаган ҳолда амалга оширилади. Радиоэфирда эса узатилаётган дастур диктор чиқиши билан тўхтатилади. Сигналлар кўчаларда,

магазинларда ўрнатилган махсус радиокарнайлар орқали жаранглайди.

Японияда биринчи цунамидан огоҳлантириш тизимида 300 та юқори сезгир сейсмограф қуруқликда, 8 таси денгиз тубида жойлашган бўлиб, одамларга цунамининг етиб келишини 3 дақиқа олдин огоҳлантирган.

Японияда 2015 йилнинг май ойидан бошлаб океанда сейсмик фаолликни қайд қиладиган ва цунами юқори аниқлик билан вужудга келиши мумкинлигини прогноз қиладиган янги тизим ишга туширилди.

У ўнлаб турли детекторларни ўз ичига олган бўлиб, қирғоқдан 200 км узоқликда денгиз тубининг 150 нуқтасига ўрнатилган. Сенсорлардан ахборот кабел бўйлаб тўғридан-тўғри Япония метеорологик бошқармасига келиб тушади. Мазкур тизим цунами вужудга келишини 20 дақиқа олдин прогноз қилиш имконини беради.

Японияда ёмон об-ҳаво шароити тўғрисидаги огоҳлантиришлар фақат япон тилида трансляция қилинади. Барча бошқа хабарлар беш хил тилда узатилади: япон, инглиз, хитой, корейс ва португал тилларида.

Хитой. Хитой асосан сув тошқини ва гидротехник иншоотларда фавқулодда вазиятлар кўпроқ учрайди. Шунинг учун Хитой ҳукумати сув тошқини рўй берадиган фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш ва бартараф этиш чора-тадбирларини бошқариш механизминини ишлаб чиқди.

Бунда сув тошқини ва қурғоқчиликнинг олдини олиш бўйича самарали тадбирлар тизими ишлаб чиқилди. У ўз ичига қуйидагиларни олади:

1. Ташкилий тизимни такомиллаштириш.
2. Жавобгарлик режимини амалга ошириш.
3. Қонунчилик тизимини такомиллаштириш. Бунда бир қатор қонунлар кучга кирди: “Сув қонунчилиги”, “Сув тошқинига қарши кураш тўғрисида”ги Қонун, “Қурғоқчиликка қарши кураш тўғрисида”ги Низом, “Гидрологик ишлар тўғрисида”ги Қоидалар кабилар.

4. Дастлабки режалаштиришни чуқурлаштириш.

5. Табиий офатларни башоратлашни яхшилаш. Ушбу тизим бўйича сувнинг табиий сув ҳавзасидаги ҳолатининг прогнози ва

такомиллашган мониторинг тизими ташкил этилган.

6. Кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш.

7. Табиий офатларга таъсир жавобининг тезлигини кучайтириш ва бошқалар.

2005 йилдан Хитой ҳукумати сув тошқини ва қурғоқчиликка қарши курашиш бўйича бошқариш тизимида режалаштирилган 949.000 юандан миқдоридаги маблағдан 820.000 юань сарф қилган. Тизим 30 дан ортиқ шаҳар ва қишлоқларда ва бассейнларнинг 7 та сув объектларида қўлланилади.

АҚШ. АҚШда 1994 йилдан бошлаб фавқулодда вазиятларда хабар бериш умуммиллий тизими Emergency Alert System (EAS) жорий қилинган. Мазкур тизим Алоқа федерал агентлиги, Фавқулодда вазиятларда бошқарув бўйича федерал агентлиги ва National Weather Service (Миллий метеорологик хизмати) томонидан бошқарилади.

Тизим орқали федерал даражадаги ёки штатлар даражасидаги раҳбарлар об-ҳаво шароити кескин ёмонлашганлиги ёки йирик кўламдаги техноген фавқулодда вазиятларда аҳолига хабар беради. Бунда барча маҳаллий телевизион, радио каналлар, уяли алоқа операторлари тегишли кодланган сигнал олганларидан сўнг, дарҳол тезкорликда аҳолига муҳим хабарларни етказди.

2011 йил АҚШда аҳолига хабар бериш самарадорлигини ошириш мақсадида фавқулодда вазиятларда ва теракт хавфи бўлганида хабар беришда кенг кўламда реформалар олиб борилди. 2011 йилнинг 26 апрелидан мамлакатда террорчилик хавфи тўғрисида хабар беришнинг янги тизими кучга кирди. Шу кундан бошлаб, террорчилик хавфлари тўғрисида хабар бериш аниқ ва текширилган маълумотлар асосида бериладиган бўлди.

2012 йил ёз ойидан бошлаб АҚШда Фавқулодда вазиятларда симсиз хабар бериш тизими (Wireless Emergency Alerts, WEA), яъни АҚШ аҳолисига мобил воситалар орқали хабар бериш тизими жорий қилинди. Бунда ваколатли давлат органлари томонидан уяли телефонларга фавқулодда вазиятлар тўғрисида огоҳлантирувчи хабарлар юборилади. Агар хавф Нью-Йорк шаҳрида вужудга келса, у ҳолда хабарлар шаҳардаги барча антенналар орқали трансляция қилинади.

Хабарларни жамоат хавфсизлиги давлат ва маҳаллий органлари, Об-ҳаво миллий хизмати, Бедарак йўқолган ва эксплуатация қилинувчи болалар муаммоси бўйича миллий марказ ва АҚШ президенти томонидан жўнатилиши мумкин. Мазкур тизим мобил тармоғи кўп юкланганлик режимида ҳам хабар бериш имконияти мавжуд. Чунки бу технология, аввал фавқулдда вазиятларга оид хабарларни жўнатиш, кейин эса шахсий қўнғироқлар ва СМС-хабарларни жўнатиш имконини беради.

Нью-Йорк шаҳрининг метросида уяли алоқанинг узатувчи станциялари ўрнатилган бўлиб, аҳоли метрода бўлганида ҳам СМС-хабарларни олиш имкониятига эга.

Барча фавқулдда вазиятларнинг олдиндан билишнинг иложи йўқлиги тайин. Ҳатто биз барча ресурсларга эга бўлганимизда ҳам вазият баъзан мураккаблашиб кетиши мумкин, чунки баъзан қатнашувчилар акциядорларнинг ҳалокатдан огоҳ бўлишларидан норози бўлишади. Баъзилар эса оддий билинган ва билиш мумкин бўлган ҳолатларни турлича тушунишади. Шунга қарамай олдиндан огоҳлантириш кўп ҳолларда зарур, ҳатто ёлғон огоҳлантиришлар ва қийин тушунишлар бўлса ҳам. Бу кузатувлар бизга амалда бўлмаган нарсаларга тайёргарлик зарурлигини иложи борича тасаввурга сиғмайдиган нарсаларни тафаккур қилишимизни эслатиб туради. Олдиндан билинган, сезилган, тасаввур қилинган

нарсаларга асосланиб, кўп нарса ҳалокат пайтида кузатилиши мумкин. Ҳалокатдан кейинги баҳолашлар шуни кўрсатадики, кутилмаган воқеа-ҳодисалар олдиндан огоҳлантиришларнинг бўлиши кўп ҳолларда билим етишмаганидан эмас, балки тасаввур етишмаганидан содир бўлади.

Бошқа ҳолатда эса бизда содир бўладиган хавфни биламиз, аммо айрим сабабларга кўра олдини олиш учун кўрилган зарурий чоралар кўпинча кўрилмайди. Шундай қилиб, иқтисодий ва ёки бошқа сабабларга кўра хавфнинг олди олинмади. Ёки хавф “хавфни баҳолаш”га қўшилган бўлса ҳам, хавфни мониторинг қилиш жараёнида нотўғри кўрсаткичлар туфайли акс эттирилмади; ёки бу хатарни мониторинг қилиш барбод бўлди ёки нотўғри ишлади; шундай қилиб у олдиндан огоҳлантирувчи сигналларни сезишга қодир бўлмади. Ҳатто агар огоҳлантирувчи сигналлар мониторинг қилинса ҳам, аниқланса ҳам улар доим ҳам олдиндан берилган сигнал натижасини бермайди; айрим сигналлар ноаниқлиги юқори бўлиши мумкин; айниқса бу огоҳлантириш моддий, сиёсий ёки бошқа қийматга эга бўлса, ёлғон сигналдан кўрқув аниқ сигналларни ҳам огоҳлантирувчи бўлишини чеклайди. Баъзида огоҳлантиришлар берилади, аммо уларга ҳокимият органлари ёки хатарли жойдаги аҳоли ишонмайди ва бошқа сабабларга кўра эрта олди олинмайди.

Адабиётлар:

1. Нигматов И., Тожиев М. Фавқулдда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси. Дарслик. -Т.: Иқтисод-Молия, 2011.
2. Дадакузиев Музаффар Рахнамоевич, Махмудов Содир Юсуфалиевич. Защита гражданского населения при чрезвычайных ситуациях в Республике Узбекистан // Universum: технические науки. 2019. №12-1 (69). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zaschita-grazhdanskogo-naseleniya-pri-chrezvychaynyh-situatsiyah-v-respublike-uzbekistan> (дата обращения: 18.11.2020).

(Тақризчи: М.Маматов – фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор).